

БАНКЛАР МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИДА НАТИЖА САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Алимжанова Дилрабо Собиржановна

Tashkent International University мустақил изланувчиси

d.alimjanova@tmci.uz ORCID: 0009-0007-3391-3526

Аннотация: Мақолада тижорат банклари фаолиятининг молиявий натижадорлигининг шаклланиши ва унинг назарий асослари тадқиқ этилган. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг банкларнинг молиявий фаолияти самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий хулоса ва ёндашувлар тизимлаштирилган. Ўзбекистон банк тизимининг ўзига хос жиҳатлари ва статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Банкларнинг молиявий кўрсаткичлари асосида натижадорликни таъминлашга қаратилган илмий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, рентабеллик, активлар сифати, капитал етарлилиги, харажатларнинг даромадга нисбати, фоизли ва фоизсиз маржа.

Кириш

Банklar ўз фаолияти давомида молиявий натижадорлигини оширишга қаратилган стратегия билан режаларни ишлаб чиқади. Банкларнинг молиявий фаолияти натижадорлиги кўплаб молиявий кўрсаткичлар билан ўз ифодасини топади. Бу борада, банкларнинг активлари ва капитали рентабеллиги каби кўрсаткичларни алоҳида таъкидлаш лозим. Тижорат банкларининг молиявий натижадорлиги даромадларнинг барқарорлиги ва молиявий қарорларни қабул қилиш билан ўзининг ифодасини топади.

Тижорат банкларида молиявий натижадорликнинг асосий омиллари сифатида активлар ва капитал рентабеллигини кўриш мумкин. Шунингдек, даромадлиликни ифодалаб берувчи маржа кўрсаткичлари ҳам натижавийликни акс эттиришда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Биз илмий изланишларимиз давомида мазкур категорияларнинг ривожланишига нисбатан маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий қарашларини тизимлаштиришга эътибор қаратамиз.

Бунда банкларнинг молиявий самарадорлиги нечоғлиқ барқарорлиги ва унинг натижасининг белгиланган мезонлардан қандай оғишда шаклланаётганлиги каби ҳолатларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Молиявий натижадорлик даражаси молиявий самарадорликнинг белгиланган мезонлардан кам бўлмаган даражада таъминланиши билан ўзининг аксини топади, десак муболаға бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, молиявий натижадорликни аниқлаш ва баҳолашда молиявий кўрсаткичларнинг барқарорлик мезонларидан оғиш даражасини ўрганиш асосида натижавийликни баҳолаш мумкин бўлади, деб ўйлаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Биз тадқиқотларимиз давомида дастлаб ўзбекистонлик изланувчилар ва олимларнинг илмий хулосаларини тизимлаштириш ва уларга нисбатан мустақил ёндашувимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

З.Рахманов томонидан тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришда стратегик режалаштириш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган. Унинг докторлик диссертациясида Туронбанк АТБ ва ЧЭКИ Ҳамкорбанк фаолиятнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилган. Унда молиявий натижадорликни ифодаловчи фоизли ва фоизсиз даромадлар, фоизли ва фоизсиз харажатларни баҳолашга эътибор қаратган. Шунингдек, мазкур банклар фаолияти операцион самарадорлиги кўрсаткичлари сифатида банк активлари, операцион даромад ва харажатлар, операцион харажатлар рентабеллиги ва самарадорлиги каби жиҳатларни таҳлил қилган ва илмий хулосаларни асослашга ҳаракат қилган [1].

О.Саттаров ўзининг фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган методологик ёндашувларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. У ўзининг тадқиқотида мамлакат банк тизими активлари сифати, активлар ва капитал рентабеллиги каби кўрсаткичларни таҳлил қилган. Шунингдек, Ўзсаноатқурилишбанк, Туронбанк, Агробанк ва бошқа банклар мисолида жорий ликвидлик меъёрларига амал қилиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолашга эътибор қаратган. Тадқиқотлар асосида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда RAROC (Risk-Adjusted Return on Capital) рискларни инобатга олган равишда капитал рентабеллигини мустаҳкамлашга имкон берадиган илмий тавсияларни асослашга ҳаракат қилган. Шунингдек, капитал етарлилиги, жорий ликвидлик, актив ва капитал рентабеллиги кабилардан фойдаланган ҳолда банк молиявий барқарорлиги индексини жорий этишни таклиф этган [2].

А.Абдуллаев ўзининг илмий тадқиқотида банкларнинг ликвидлигини ошириш методологиясини ишлаб чиқишга қаратилган изланишларни олиб борган. У ўзининг илмий ёндашувларида ликвидликни тартибга солишга қаратилган ғояларни асослашга ҳаракат қилади. Жумладан, тижорат банклари ликвидлиги даражасини баҳолашга қаратилган механизмни таклиф этади. шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ликвидлилик rischi ва ундан ҳимояланиш тадбиралари комплексини ишлаб чиқиб, уни ишлатиш орқали банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан ўзининг илмий ёндашувларини бериб ўтади. Шунингдек, тижорат банкларида ликвидлик қийматининг эҳтимолий даражасини баҳолаш жараёнларининг кетма-кетлигини жорий этишга қаратилган алгоритмни таклиф этади [3].

Ш.Убаева ўзининг докторлик диссертациясида тижорат банклари молиявий барқарорлигини бошқариш механизмни мустаҳкамлашга доир илмий ёндашувларни асослашга эътибор қаратади. Банкларда рискларни баҳолаш ва

банклар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган DEA (Data Envelope Analysis) ва CAMEL (Capital, Assets, Management quality, Earnings and Liquidity) каби янги усулларни таклиф этиб ўтади. Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалар Даврбанк ва Инфинбанк фаолиятида жорий этилганлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. У томонидан банклардаги молиявий натижадорликни таъминлашда молиявий инновацияларни жорий этишга қаратилган илмий таклифларни асослаб беради. Олиб борилган тадқиқотлар асосида банклар бошқарувини рейтинглашда маржинал даромад ва харажатларини ҳисоблаш асосида барқарорлаштиришни таклиф этади [4].

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда банкларнинг молиявий натижадорлигини аниқлашда активларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий изланишларни тизимлаштиришга эътибор қаратамиз. Бу борада, ўзбекистонлик олимлар томонидан қатор тадқиқотлар амалга оширилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Л.Мурадова банк активларининг даромадлигини оширишни назарда тутувчи илмий таклифларни илгари сурган. Ўзининг илмий изланишларида Россиянинг Сбербанк активлари даромадлигини таҳлил қилади ва 2016 йилда соф фойданинг 143 фоизга ошганлигини операцион даромаднинг ўсиши ва харажатлар улушининг камайтирилиши билан боғлаб тушунтириб беради. Шу билан бирга, Германиянинг Дойчебанки кредит rischi учун яратилган захиралар тенденциясини баҳолайди. Дойчебанк даромадларининг асосий қисмини фоизли даромадлар ташкил этишини қайд этиб ўтади. Шунингдек, мамлакатимиз банкларидан Ипотека, Асака, Ипак йўли ва Инфин банк кабиларнинг даромадлилик даражасини таҳлил қилади. Натижада, тижорат банкларининг касса активларининг улушини қисқартириш зарурлигини таъкидлаб ўтади [5].

М.Мўминова ўзининг докторлик диссертациясида тижорат банкларида актив операцияларини бошқариш стратегиясини баҳолашга қаратилган илмий хулосаларни асослашга эътибор қаратади. Тадқиқотчи тижорат банкларининг актив ва пасивларини самарали бошқаришнинг узвий боғлиқлигини акс эттиришга ҳаракат қилади. Шу билан бир қаторда, 2003-2017 йилларда тижорат банкларининг даромад келтирадиган ва келтирмайдиган активлари ҳажми таҳлил қилади. Натижада, даромад келтирадиган активлар ҳажми 23,1 фоизга қисқарган бўлса, келтирмайдиган активлар улуши 23,4 фоизга ошганлигини қайд этиб ўтади. Мазкур тенденция эса банкларда рисклилик даражасининг юқорилигини ва даромадли активларнинг улуши етарли даражада эмаслигини кўрсатиб беришини қайд этиб ўтади. Шу нуқтаи назардан, актив операциялари даромадлиликка қараб бошқариш, даромад келтирмайдиган активлар ҳажмини қисқартириш, ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлашни илгари суради [6].


А.Ахмедов ҳам ўзининг докторлик диссертациясида тижорат банклари активлари секьюритизация амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий

таклифларни асослаб беради. У ўзининг тадқиқотида активларни секьюритизациялаш юзасидан олиб борилган тадқиқотларга эътибор қаратади. Жумладан, секьюритизациялаш орқали ноликвид активларни ҳам ликвидли активларга айлантириш мумкинлигини қайд этиб ўтади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибининг 2017-2018 йиллардаги тенденцияси ва кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича улуши таҳлил қилинади. Тижорат банклари фаолиятида активлар секьюритизациясини ривожлантириш учун – молия бозорида институционал инвесторлар ролини ошириш, активларни секьюритизациялашда қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, эмиссия қилинадиган қимматли қоғозларни маҳаллий ва халқаро майдонда жойлаштириш имкониятларини ошириш кабиларни келтириб ўтади [7].

Ҳ.Раҳматов томонидан ҳам банк активлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ҳулосалар асослаб берилади. Активлар самарадорлигини оширишда “кўп поғонали” модел асосида бошқаришни таклиф этади, мижозларни кредитлашда “кредит конвейри” усули асосида активлар ҳажмини оширишни илгари суради ва активларни бошқаришда рискларни қисқартириш мақсадида “риск аппетити”ни олдиндан аниқлаш тизимини жорий этишни тавсия этади. Шу билан бирга, Россия банкларидан Сбербанк, “ВТБ” банк, Райффайзенбанк, Почтабанк ва Россельхозбанк кабиларнинг активлари рентабеллигини ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилишга эътибор қаратади. Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар билан мамлакатизмининг Алоқабанк АТБ, Ипак йўли АИТБ, Ҳамкорбанк АТБ кабиларнинг активлари рентабеллигини солиштиришга эътибор қаратади [8].

Таҳлил ва натижалар


1.1-расмда келтирилган ҳолатда мамлакатимиз банк тизими кредит бозори ҳолатининг ривожланиш тенденцияси келтирилган. Банкларнинг мажбуриятлари капиталга нисбатан мўътадил ўзгариш тенденциясини ташкил этган бўлса, банкларнинг депозитларга нисбатан жисмоний шахсларга кредит ажратиш тенденцияси ҳам ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, ушбу кўрсаткичларнинг банкларнинг молиявий натижадорлигига таъсири мавжуд эканлигини кузатиш мумкин.



1.1-расм. Ўзбекистонда кредит бозорининг ҳолати [9]

1.2-расмда банкларнинг молиявий натижадорлигини ифодалаб берувчи капитал ва активлар рентабеллиги кўрсаткичи келтирилган. 2024 йилда банкларнинг соф фойда олиш ҳажми камайганлигини кузатиш мумкин. Бу эса, рентабеллик даражасининг мос равишда камайишига олиб келганлигини ўзида акс эттириб беради. Мос равишда 2021 йилнинг биринчи чорагида рентабеллик даражасининг пасайганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, активлар рентабеллиги ҳам камайганлиги операцион харажатларнинг ошиб бориши билан ўзининг ифодасини топганлигини тадқиқотлар хулосасидан кузатамиз.

Банкларнинг молиявий натижадорлиги кўп жиҳатдан банкларнинг молиявий кўрсаткичларини тартибга солиш ва уларни тизимлаштиришдан иборат бўлмоқда. Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий хулосаларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Биз тадқиқотларимизни олиб бориш натижасида банкларнинг молиявий натижадорлигини таъминлашга қаратилган илмий ёндашувларимизни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:



1.2-расм. Ўзбекистон банк сектори рентабelligи [10]

Биринчидан, банкларнинг активлари самарадорлигини таъминлаш. Бунда активларнинг даромадлилиги ва унинг умумий активлар таркибидаги улушини барқарорлаштиришга эришиш. Банкларнинг активлари самарадорлигини таъминлашда активлар рентабelligига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Банкларнинг активлари сифатини ошириш натижасида банкларнинг молиявий натижадорлигини мустаҳкамлашга имконият туғилишини эътиборга олиш лозим бўлади.

Иккинчидан, банкларнинг кредит сиёсатини оптималлаштиришга қаратилган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш. Кредит сиёсатини шакллантиришда активларнинг рискка нисбатан мойиллик даражасини ошиб кетмаслигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунингдек, кредитларнинг бир соҳага нисбатан тўпланиб қолишини олдини олиш ва унинг диверсификациясини мулкчилик шакли жиҳатидан ҳам тартибга солишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, тижорат банкларининг капитали рентабelligи ва даромад маржаси даражасига эътибор қаратиш. Банкларнинг молиявий натижадорлиги барқарорлигини таъминлашда капиталдан оптимал даражада фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Банклар томонидан капиталдан фойдаланилиши ва унинг бир бирлигидан фойдаланиш миқдорига тўғри келувчи даромаднинг ошиб бориши капитал рентабelligини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, банкларнинг даромад олишида фоизли ва фоизсиз даромад турларидан ҳам фойдаланиш, уларнинг харажатларга нисбатан барқарорлиги ва катта улушларда шаклланиши банкнинг молиявий натижадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боисдан, банкларнинг молиявий

натижадорлигини таъминлашда фоизли даромадларининг устуворлигини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса

Фикримизча, банкларнинг молиявий натижадорлигини аниқлаш ва уларни такомиллаштиришда активларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади экан. Шу нуқтаи назардан, банкларнинг молиявий натижадорлигини баҳолаб боришда активлар самарадорлиги ракурсидан қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Биринчидан, активларнинг таркибида юқори ликвидли активлар улуши ортиб кетишига йўл қўймаслик, жумладан кассали активлар ҳажмининг мўътадил бўлишига эришиш муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, банкларда фойда келтирмайдиган активларнинг улушини ошиб кетмаслигига эришиш. Даромад келтирувчи активларнинг улушида юқори рискларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, банклар фаолиятида секьюритизациялаш амалиётини инобатга олиш асосида банкларнинг молия бозоридаги иштирокини ошириш. Натижада, молиявий натижадорликни кенгайтиришга шарт-шароит яратиш.

Тўртинчидан, банкларнинг активлари рентабеллигини мустаҳкамлашга қаратилган кўп поғонали модел асосида активлар сифатини барқарорлаштириш муҳим ҳисобланади.

Бешинчидан, банкларнинг активлари даромадлилигини таъминлашда рискка нисбатан мойилликни қисқартириб туришга қаратилган моделларни қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, активларнинг самарадорлигини таъминлаш асосида банкларнинг молиявий натижадорлигини ошириш мумкин экан. Бунда активларнинг секьюритизацияси, рискка мойиллиги ва ликвидлик таркиби каби жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Раҳманов З.Я. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 54 б.
2. Сатторов О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТМИ, 2018. – 67 б.
3. Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини ошириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 74 б.

4. Убаева Ш.Л. Тижорат банклари барқарорлигини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 53 б.
5. Мурадова Л.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари активлари даромадлигини ошириш йўллари: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 57 б.
6. Мўминова М.Б. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 58 б.
7. Ахмедов А.С. Тижорат банклари активларини секьюритизациялаш амалиётини ривожлантириш йўллари: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2020. – 60 б.
8. Раҳматов Ҳ.Ў. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида тижорат банк активлари самарадорлигини ошириши масалалари: и.ф.д. ... автореферати. – Т.: ЎзР. БМА, 2020. – 66 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Молиявий барқарорлик шарҳи 2024-йил. <https://cbu.uz/uz/financial-stability/report/>
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Молиявий барқарорлик шарҳи 2024-йил. <https://cbu.uz/uz/financial-stability/report/>